


ABDULLA QODIRIY

VA

YANGI O'ZBEK ADABIYOTI

ILMIY-AMALIY ANJUMAN
MATERIALLARI



2024

МУНДАРИЖА

Баҳодир Карим	
“Бобурнома”дан “Ўткан кунлар” га,	3
Абдулла Улуғов	
Ҳикоя жанр андозаси	33
Dilmurod Xoldarov	
Qodiriyshunoslik qirralari	94
Олим Олтинбек	
Рауф Парфи ижодида қатағон қурбонлари сиймоси	101
Умида Расулова	
Хотиралар зимнидаги ҳақиқат	110

1-SHO'BA.

ABDULLA QODIRIY VA O'ZBEK NASRI

Nodira Soatova	
“O'tkan kunlar” va “Tohir va Zuhra” dostoni: qiyos va talqin	115
O'tkirbek Otayev	
Abdulla Qodiriy – o'zbek romanchiligi asoschisi	123
S.Rasulova “O'tkan kunlar” romanida maktubning badiiy funksiyasi	129
Xoliyor Safarov	
Abdulla Qodiriy hikoyalarida portret, peyzaj va badiiy tasvir ifodasi	134
O'tkirbek Otayev, Bahrom Turg'unboev	
Qodiriy ijodida milliylik va ma'naviyat	143
Nilufar Ismoiljonova	
“Mehrobdan chayon” romanida ayollar ruhiyati tasviri	149
Ma'mura Sharipova	
“Mehrobdan chayon” romanida maqol janrining o'rni	160

ХОТИРАЛАР ЗИМНИДАГИ ҲАҚИҚАТ

Умида Расулова

Проф

Аннотация: *Мазкур мақолада Абдулла Қодирий авлодининг қисмати кундалик ёдномаларга асосланган тарзда ёритиб борилади. Хотирада инсон иродаси, қаноати, шижоати янглиғ фазилятлар хусусида мулоҳаза юритилади.*

Калит сўзлар: *кундалик, мактуб, суҳбат, синоат, адолат*

Annotation: *In this article, the part of Abdullah Qadiri's family is covered based on daily records. In memory, human will, contentment, bravery are discussed about the fiery virtues.*

Keywords: *diary, letter, conversation, industry, justice*

Ўзбек миллати ҳурлиги, озодлигини олий маслак санаган жадидлар шарафли йўли эътиборга молик. Улар халқнинг маърифат дарғалари бўлиб, битиклари ила чин сўзни, эркин фикрни сингдиришга аҳд қилганлар. Зиёлилар динимиз, тилимиз, тарихимиз, маданиятимизни асраш, қадриятни эъозлаш йўлида ибрат бўлганлар. Абдулла Қодирий ҳаётининг долғали кунлари борасида ворисларининг ёдномалари китобхонга асрорни аён этади. Қатағон сиёсати қурбонлари шаҳид бўлса, улар насли саргардон, дарбадарлик синовига ҳукм қилинган. “Отам ҳақида”, 37-хонадон”, “Қодирийнинг сўнгги кунлари” каби асарларда адиб шахсияти, ахлоқий-эстетик қарашлари тиниқлашиб боради.

Қодирийнинг “Тирик хотиралар” асарида оталар ва фарзандлар орасидаги ришталар садоқату эҳтиром узви ила пайвандланади. 1973 йилдан 1975 йилгача ёзилган хо-

тиралар оилада отадан (1937), онадан (1943) айрилик, кўни-кўшни, қариндош-уруғ муносабати ҳаётий лавҳалар билан кўрсатиб берилади.

Ўтмишга нигоҳ ташлаб, талабалик давридаги касаллик, оиладаги мураккаб вазиятлар Ҳабибуллонинг шифокорлик касбини эгаллашига тўсқинлик қилгани аён бўлади. 1945 йил май ойида адиб хонадонига келиб тинтув ўтказилиши натижасида ўғли қамоққа олинади. Айбдор кишининг ўғли, ўқиш таъқиқланган отасининг асарларини уйда сақлагани, ҳукуматга қарши ташвиқот юргизгани боис Ҳабибулло 10 йилга озодликдан маҳрум этилади. Умрининг ёшлик сурурини ҳис этмаган йигит талабалик бахтидан мосуво бўлиб, Свердлов, Қарағандадай совуқ ўлкага сургун қилинади.

Абдулла Қодирийнинг имону эътиқодли шахслар билан алоқасининг фарзандлар томонидан давом этиши Ҳожи қори ака, Исоқ домлалар одамохунлигида кузатилади. Инсондаги ўзлик, ғурур фитратига сокинлик, ҳаловат бахш этиши, қалтис дамда ҳам Яратгандан умидворлик уларни наслларга ибрат айлаган.

Диний ва дунёвий илм маҳзанини англаб, миллат шуурига сингдириш осон бўлмаган дамда бошини кундага қўйган шахслар тақдири аёнлашади. “Ўткан кунлар” романидаги характернинг биографик асоси хусусидаги эътироф ҳам эътиборни тортади: “Бунингдек, оталар халқимиз орасида гарчи кўплаб учраса-да, негадир мен бу кишини Юсуфбек ҳожи образига жуда-жуда ўхшатаман. Дадам албатта, Юсуфбек ҳожини сиёсий бир арбоб, маълум табақанинг вакили этиб тасвирлайдилар. Алижон домлада гарчи бу томонлар кўринмаса-да, ҳар ҳолда бошқа жиҳатлари, менимча, руҳан ва жисман Юсуфбек ҳожи тимсоли кабидир”(112-б)

Адабиёт муҳибига номаълум ҳолату вазиятга ойдинлик киритилар экан, санъатлараро алоқадорлик масаласига тўхталинади. Маълумки, совет пайтида “Ўткан кунлар” романи

асосида бадий фильм яратилган. Афсуски, русийзабон мутасаддилар асарнинг асл маҳзани миллий руҳни ҳис этмагани боис Ҳабибулло Қодирий норози бўлган. Асарнинг фильмга мослаш мақсадида қисқартирилгани, сценарийнинг давр хусусиятини очиб беролмагани, тўқима эпизодлар қўшилгани виждонли олимларни ҳам безовта айлайди.

Йиллар ўтиб, яна фильм яратиш бобида сусткашлик, лоқайдликка йўл қўйилиши Тоҳир Маликнинг: “Икки қисмли фильм учун сценарий ёзила бошлади. Каминани адабий маслаҳатчи вазифасига таклиф этдилар. Билсам, сценарий рус тилида ёзилаётган экан, “дод” деб юбораёздим. Аввалги фильм ишқ можаросини берган, энди диққатни миллат дардига қаратиш керак” мулоҳазасида юзага чиқади. Авлодларни маънан юксалтирган, миллатпарвар Юсуфбек, Отабек, Алим тийнатидаги имону жасорат туйғуларини талқин айлаган адиб ёрқин номига доим эҳтиром кўрсатиш лозим.

Ҳабибулло Қодирий отасининг қадрдонларига оид лавҳаларни тақдим қилар экан, суҳбатдаги қизгин жараёни ёдга олади. Масъул идораларда хизмат қилиб, адабиёт, санъатга ошно инсонларнинг илму маърифатга садоқати, миллатга муҳаббати балқиб туради. Ҳожи қори, Эшон Бобоҳон қори, Зиёвуддин қори янглиғ дин уламоларининг собиқ тузум тазйиғидан ҳайиқмай ҳалоллик, софдиллик билан халқнинг хизматида бўлганлари ҳаётий лавҳалар билан асосланади.

Абдулла Қодирий оиласига бўлган эҳтиром отанинг атрофидаги зиёли қатламнинг насллари меҳру оқибати, самимиятида кузатилади. Йиллар давомида адиб хонадомидаги анъаналар сақлангани, ота қадрдонлар орасидаги ришталарнинг мустаҳкамлангани дин уламолари, ёзувчиларнинг хотираларида тиниқлашиб боради.

Шеркон Қодирий “Ўткан кунлар” романининг Фарғона театрида саҳналаштирилиши, актёрлар маҳорати оила

аъзоларига манзур бўлгани ёдга олинади. 1988 йил Иззат Султоннинг “Абдулла Қодирийнинг ўткан кунлари” номли драматик ривоятининг Ҳамза театрида томошабин ҳукмига ҳавола этилгани эса ўзгача муносабатга сабаб бўлади. Хондамир ва Шеркон Қодирий романнинг олим томонидан қайта ишланиб, унинг номидан эълон қилинганига жиддий эътироз билдирадilar. Адибнинг ўғли Маъсуд Қодирий: “Аввало биз ёзувчининг ўғли ва набиралари спектаклнинг қандай юзага келганинидан мутлақо беҳабармиз. Мавжуд қонун-қоидага кўра Иззат Султон биздан асарни саҳналаштириш ҳақида рухсат олиши керак экан. Спектаклни томоша қилгандан кейин кайфиятимиз жуда бузилиб кетди.”- дейди. Мунаққидлар бу жараёнга икки хил муносабат билдирса ҳам, Маъсуд Қодирий “Тошкент ҳақиқати” газетасида махсус мақола эълон қилади.

Хотиралар китобхонни мозийга ҳақиқатидан бохабар айлайди. Улар истеъдод соҳиблари сийратидаги ноёб фазилатларни яна бир бор кашф этишга имкон беради.